

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy – uslubiy jurnal

Samarqand

1 (62)/ 2017

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand



SCIENTIFIC INFORMATIONS

ИЛМЙ АХБОРОТЛАР

ОЗАРБАЙЖОН ШОИРИ СОДИКИЙ ИЖОДИДА АЛИШЕР НАВОЙИ
АНЪАНАЛАРИ

Султонов Тўлқин,
СамДУТИ катта илмий ходим-излаувчиси

Калит сўзлар: Мажолис ун-нафоис, Мажмаъ ул-хавос, Тухфаи Сомий, Гулшан уш-шуаро, Оташқада, Тазкират уш-шуаро.

Ўзбек-озарбайжон адабий алокалари узок тарихга эга бўлса-да, бу муносабатлар, айникса, XV асрда Алишер Навоий даврида юксак чўккисига чикди. Навоий асарларидан ижодий илҳомланган холда Неъматуллох Кишварий, Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий, Содикбек Афшор Содикий ва бошқа юзлаб шоирлар навоиёна услубни давом эттириб, назира ғазаллар битишган. Хусусан, «Мажолис ун-нафоис» таъсирида озарбайжон адабиётида XVI-XVIII асрларда Сом Мирзо Сомийнинг «Тухфаи Сомий», Ахдий Бағдодийнинг «Гулшан уш-шуаро», Содикбек Афшор Содикийнинг «Мажмаъ ул-хавос», Лутфалибек Озарнинг «Оташқада» тазкиралари яратилди.

Шундай экан, Алишер Навоий ижоди ва адабий анъаналарининг оламшумул аҳамиятини чуқуррок тадқиқ этиш мақсадида озарбайжон ижодкори Содикбек Афшор Содикий томонидан ўзбек шоирининг «Мажолис ун-нафоис» асаридан илҳомланган холда ёзилган «Мажмаъ ул-хавос» тазкирасини ўзаро киёслаб, муштарак ҳамда фаркли жиҳатларини тадқиқ этиш айна муддаодир.

Озарбайжонлик содикийшунос олима Мантика Муродованинг эътироф этишича, «Содикий энг кўп Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асаридан таъсирланган ва унга мувофик тарзда саккиз бўлимдан иборат тазкира ёзиб, «Мажмаъ ул-хавос» дея ном берган»²⁴.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари XIV-XV аср форсигўй ва туркигўй шоирларини, шеъриятини ўрганувчи туркий тилдаги илк тазкира бўлса, Содикий китобдорнинг «Мажмаъ ул-хавос»и XVI аср ижодкорлари ҳаёти ва асарларини тадқиқ этишга бағишланган иккинчи муҳим манбадир. Бу хусусда тадқиқотлар олиб борган ўзбек олимаси Раъно Қобулова Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»и ва Содикийнинг «Мажмаъ ул-хавос»и орасидаги муштараклик тазкираларнинг номларидагина эмас, балки тил ва асар тузилиши жиҳатдан ҳам яқинлигида эканлигини номзодлик диссертациясида аниқ далиллар оркали исботлаган²⁵.

Содикийнинг «Мажмаъ ул-хавос» тазкираси тахминан 1597-1598 йилларда ёзилган бўлиб, шоҳ Исмоил I ҳукмронлиги даврида Эрон, Озарбайжон, Ўрта Осиё, Туркия, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳудудларида форс-тожик ва туркий тилларда ижод қилган шоирларни дунё аҳлига танитиш ҳамда уларнинг асарларини ўрганишга эътибор қаратилиши билан аҳамиятлидир. Ушбу асар соф туркий тилда ёзилган бўлиб, муқаддима, 369 шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи саккиз мажмаъ ҳамда хотимадан иборат.

Содикий ўз асарининг муқаддима қисмида Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг

²⁴ Muradova Montiqo. Sadiq boy Sadiqinin hayot va yaradiligi. – Baki: Elm, 1999. s.42.

²⁵ Кабулова Раъно. Традиции «Мажолис ун-нафоис» Алишера Навои в тюркоязычной литературе (на материале антологии Садибека Садики «Мажма ул-хавос»). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Ташкент, 1979.



«Мажолис ун-нафоис», Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро», Сом Мирзонинг «Тухфаи Сомий» тазкираларини юксак эҳтиром билан тилга олиб, мазкур анъанани давом эттирганлигини, «Мажолис ун-нафоис» услубида тазкира ёзганлигини қайд этади²⁶.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарини кўздан кечирганимизда, кириш қисмида шеърий жанрлар учрамаслиги кузатилди. Содикийнинг «Мажмаъ ул-хавос» тазкираси мукаддимасида эса, шоир каламига мансуб 10 байтли маснавий, 2 та рубоий, 5 байтли китъа, шоҳ Аббоснинг форс тилидаги 3 байтли «дорам» радифли ғазали, туркий тилдаги рубоийси ва форсча таржимаси келтирилган. Жумладан, «Мажмаъ ул-хавос»нинг мукаддимасини Содикий Аллоҳга мурожаат этишдан (**нидо санъати**) бошлаб, ундан шоирнинг куёшга ўхшаш каломига жаҳонга зеб бера олиш (**ғулуъ санъати**) истейдодини ато этишини сўрайди. Шунингдек, най қаби нолакор ошиқ кўнглини иломий каломи ила дарё сингари тошқин айлашини, яъни шоир дилига Яратганны тоабад ҳамд этиш (**интоқ санъати**) саодатини бахш этишини илтижо қилади:

Ya rəb, sədəfi-təb'imi gövhərza qıl,
Xurşid kəlamımnı cəhanara qıl.
Könlüm neydir, şəkkərin ilə dərya qıl,
Yəni dilmi həmdin ilə guya qıl²⁷.

Ўзбек тилидаги матн:

Ё Раб, садафи таъбимни гавҳарзо қил,
Хуршид каломимни жаҳоноро қил.
Кўнглум найдир, шаккаринг ила дарё

қил,

Яъни дилим ҳамдинг ила гўё қил²⁸.

«Мажолис ун-нафоис»нинг «Аввалги мажлиси»и «Жамоати маҳодим ва азизлар зикридаким, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф

бўлмадим»²⁹ деган жумлалар билан таснифланган бўлиб, хазрат Навоий ўз тазкирасини «табаррук қилмоқ учун» шайхлардан Хожа Қосим Анвор зикри билан бошлаганини таъкидлайди. Ушбу мажлисда Навоий ўзидан олдин яшаган 46 нафар ижодкорнинг хаёт йўли ҳамда асарларини таърифлаб, ижодидан гўзал намуналар келтиради. Навоий юнон, араб, форс ва туркий тилларда қалам тебратган, тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси бўлган Қосим Анворни юксак эҳтиром билан тилга олиб, уч-тўрт ёшлигида унинг ижодидан ёд олган машхур байтини фахр ила ёдга олади:

Риндему ошикему жаҳонсўзу жома чок,

Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.

Ўзбек тилидаги матн:

Риндмиз, ошикмиз, жаҳон ўртовчилар ва ёқавайронлармиз.

Сенинг ғаминг турганда дунё ғамини чекишдан не фойда?!³⁰

Бу байтдаги «ринд» сўзининг таърифи «Ғиёс ул-луғат»да «шариат қоидаларини жохиллик юзасидан эмас, онгли сураатда инкор қилувчи одам», деб берилади. Тасаввуф истилохотида эса, «ринд» барча бойлик, лавозим, зоҳирий илтифоту мулозиматлардан ўзини йирок ташлаб, олам ва одамнинг энг юксалган поясида ўзини озод сезувчи хур фикрли инсонни англатади. Тазкирада мазкур байтнинг намуна сифатида келтирилиши Навоийнинг болаликданок хур фикрли инсон бўлишга интиланлиги ва комиллик босқичларини босиб ўтишга нисбатан руҳиятида кучли истак бўлганлигидан дарак беради.

Содикий эса «Мажмаъ ул-хавос» тазкирасининг дастлабки қисмини «Аввалги мажмаъ» дея атаб, унга «Ҳозирги подшоҳлар хақида» сарлавҳасини қўйган. Ўзбек шоири ўз асарининг илк мажлисида зикр этилган

²⁶ Sadiq Boy Oʻshar. «Məcmuʼül-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Ökrəm Bağirov. – Bakı: Elm, 2008. s.13.

²⁷ Шу асар, 13-бет.

²⁸ Таржима бизники – Т.Султонов.

²⁹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ҳафт учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 5-бет.

³⁰ Шу асар, 209-бет.



зотлар хизматидан бебахралигини ўкинч билан эътироф этган бўлса, озарбайжон ижодкори биринчи мажмаъда таърифи келтирилган давлат арбоблари билан шахсан учрашиб, суҳбатидан бахраманд бўлганлигини фахр-ла тилга олади.

Жумладан, «Аввалги мажмаъ»да Содикий шох ва шоир бобокалонимиз Захириддин Муҳаммад Бобурнинг севимли ўғли Ҳумоюн мирзога хос юксак инсоний фазилатлар, унинг шеърятга бўлган муҳаббати ҳақида тўхталиб, туркий тилда битган машхур шеърларидан намуна келтиради:

«Humayun padşah – Böyük səxavət və kəramət sahibi olan incə zövqlü bir padşah idi. Müləyim şeir təbinə malik idi. Türkçə yazdığı bu iki beyit çox məşhurdur:

Nəzm:

Qərriblik qəmidən möhnətü mələlim bar,

Bu qəmdən ölümqa yetdim qərrib halım bar.

Vüsali-dövlətidən ayrilib mənə-məhzun,

Tirinməni bu tirinlikdən infialım bar»³¹.

Ўзбек тилидаги матн:

«Ҳумоюн буюк саховат ва кароматга эга нозик завкли подшоҳ бўлиб, нафис ашъор битиш истейдодига соҳиб эди. Туркий тилда ёзган мазкур икки байти жуда машхурдир:

Шеър:

Ғариблик ғамидан меҳнату малолим бор,

Бу ғамдан ўлимга етдим, ғариб ҳолим бор.

Висоли давлатидан айрилиб мени маҳзун,

Тирикману бу тирикликдан инфиолим бор»³².

Ҳумоюн шохнинг юқоридаги рубоийсида Ватан соғинчи, она диёрни қўмсаш мавзуси етакчилик қилади. Унинг учун ғариблик – Ватандан узоқда бўлиш,

меҳнат – юрт соғинчи туфайли азоб тортиш, ғам – мусофирликда дард чекиш, висол – Ватанга етишишдир.

«Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг «Иккинчи мажлиси»и шоирнинг болалик ва йигитлик пайтларида суҳбатда бўлган шоирлар ҳақидаги ноёб маълумотлар келтирилиши туфайли бебаҳолик хусусиятини касб этган. Бунда Навоий Мавлоно Лутфий ижодига жуда юқори баҳо бериб, уни «ўз замонининг малик ул-каломи» дейди ва шеърятдаги нуфузини қуйидагича таърифлайди:

«Мавлоно Лутфий (алайҳиррахма) – ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда, шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машхурдур ва мутааззир ул җавоб матлаълари бор, ул җумладан бири буюрқим:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гисуйи,

Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтирур қуйи»³³.

Алишер

Навоийнинг тазкиранавислик услуби самимий танқид ва ҳаққоний баҳони холисона фикрлар орқали ифодалашга асосланиши билан характерлидир. Шоирнинг фикрича, Лутфий таржима қилган «Зафарнома» асаридаги 10 минг байтдан ортиқ маснавий баёзга ёзилмаганлиги, яъни шеърый тўпламга киритилмаганлиги сабабли унчалик машхур бўлмади. Лекин у салафларнинг форсий тилда битган мураккаб қасидаларига муносиб җавоб ёза олган:

«Ва Мавлононинг (Лутфийнинг) «Зафарнома» таржимасида ўн минг байтдин ортуқроқ маснавийси бор, баёзга ёзмагон учун, шухрат тутмади ва лекин форсийда қасидагўй устодлардин кўтининг мушукул шеърларига җавоб айтибдур ва яхши айтибдур»³⁴.

Содикий тазкирасининг «Иккинчи мажмаъ»си шеърятга ихлоси баланд,

³¹ Sadiq Boy Oʻfshar. «Məcməül-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Ökrəm Bağrov. – Bakı: Elm, 2008. s.23-24.

³² Таржима бизники – Т.Султонов.

³³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 56-бет.

³⁴ Шу асар, 56-бет.



сиёсий фаолият билан биргаликда назм бахридан марваридлар терган ижодкор шахзодалар ҳақидаги хотиралар акс этганлиги билан «Мажолис ун-нафоис»дан фарк қилади. Бу қисмдаги тавсифлар ҳамсухбат шоир тилидан содда, равон ҳамда реалистик услубда баён этилганлиги билан характерлидир:

«Sam Mirza – Bu şahzadə də mərhūm şahın (I Şah Təhmasib, № 1) kiçik qardaşı idi. Eş-ışrati sevirdi. Müxtəlif nəzm və nəsr növlərində şux və möhkəm təbi olub. Təhfe-yi-Sami adlı bir şairlər təzkirəsi yazdı. Axırda Şəyx Səfiəddin məqbərəsinə çekilib şairliklə məşğul oldu»³⁵.

Ўзбек тилидаги матн:

«Сом Мирзо – Бу шахзода ҳам марҳум шохнинг (шох Тахмасп I)нинг кичик укаси бўлиб, айш-ишратни севарди. У назм ва насрнинг турли жанрларида ўйноки ҳамда таъсирчан асарлар битиб, «Тухфаи Сомий» номли шоирлар тазкирасини ёзди. Умрининг охирида Шайх Сайфиддин макбарасига узлатга чекиниб, шоирлик билан машғул бўлди».

«Мажолис ун-нафоис»нинг «Учинчи мажлиси»да ўз даври шеърятига улкан хисса қўшган юксак таъби 174 нафар шоир зикр этилади. Мажлисда, шунингдек, Амир Шайхим Сухайлий, Абдуллох Ҳотифий, Осафий Ҳиравий каби қалам ахллари, муаммо ва аруз илмига доир рисола ёзган ижодкор Сайфий Бухорий ҳамда Камолиддин Биноий, Гадоийдек сохиби девон шоирлар ҳақидаги таърифлар ҳам келтирилади.

Содикий «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг «Салтанат устуни бўлган турклар ҳақида» деб номланган «Учинчи мажмаъ»сида илк туркий тазкиранинг айни мажлисига муштарак ва фарқли жихатлар мавжуд. Озарбайжон шоирининг тазкирасида ҳам туркий халқлар орасида машҳур шоирларнинг қаламга олиниши асарнинг «Мажолис ун-нафоис»га ўхшашлик томони бўлса, ижодкорларнинг шохлар

авлодидан эканлиги «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг фарқли хусусияти ҳисобланади.

Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг «Тўртинчи мажлиси»ни шеър ёзишда у қадар машҳур бўлмаган, аммо латиф ва гўзал ашъор битган Хожа Камолиддин Удий, Атоуллох Ҳусайний, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мирхонд, Хондамир, Султон Али Машҳадий сингари аср фозиллари ҳақидаги маълумотлар билан беаган бўлса, Содиқбек Афшор Содикий «Мажмаъ ул-ҳавос»нинг «Тўртинчи мажмаъ»сини «Мажолис ун-нафоис»дан фарқли равишда «Салтанат устуни бўлган тозиклар (эронийлар) ҳақида» деб номлаган. Озарбайжон шоири ушбу қисмда аср фозиллари эмас, балки 33 нафар давлат ва дин арбобининг ҳаёт йўли ҳақида тўхталиб, уларнинг форс-тожик тилида битган шеърларидан парчалар келтирган.

Жумладан, «Тўртинчи мажлиси»да Алишер Навоий Абдурахмон Жомийнинг «ёруғ хотири», «очиқ кўнгли», «латойифи назми»га жуда юксак баҳо бериб, унинг қаламига мансуб китоблар номи ёзилган чоғда варақларга сиғмай кетиши, дурдек асарлари тилга олинган пайтда дунё денгизлари у сабабли тошишини гўзал **ташбех** ҳамда **ғулуъ** санъатлари воситасида тасвирлаган бўлса, Содикий «Тўртинчи мажмаъ»да Язд ҳокими Мухаммадбей (Амоний)нинг ботиний ва зохирий олами, истеъдоди хусусида фикр билдириб, унинг мажлисларида шеърларини тинглашдан фойз олганлигини фахр билан қайд этган.

«Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг «Бешинчи мажлиси»и Хуросоннинг «таъби назми бор» мирзозодалари зикрида бўлиб, Давлатшоҳ Самарқандий таърифи билан бошланади. Алишер Навоий Давлатшоҳнинг ҳашам ва мол-дунёдан воз кечиб, фақрлик йўлини тутганлигини эътироф этар экан, унинг «Мажмаъ уш-шуаро» («Тазкират уш-шуаро») асарини мутолаа қилган шахс шоирнинг истеъдоди ва камолоти қай

³⁵ Sadiq Boy Oʻshar, «Məcmuʼil-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Ökrəm Bağirov. – Bakı: Elm, 2008. s.34.



даражада эканлигидан хабар топади, деган юксак баҳони билдиради.

Содикий тазкирасининг «Бешинчи мажмаъ»си «Мажолис ун-нафоис»нинг худди шу мажлисига ғоя ва мавзу жиҳатдан ўхшайди. Бунда озарбайжон шоири салтанат устуни бўлган нозиктаъб турклар ва тозик(эроний)ларнинг буюк авлодларидан 15 нафарининг суратию сийрати хусусидаги адабий-танкидий фикрларини ифодалаган. Жумладан, Кирмон ҳокими Шохқули Султоннинг ўғли Муродбек ҳақида тўхталиб, «фалакнинг тескари ишлари оқибатида тирёкка ружуъ қўйганлигидан салтанат ишини тарк этиб, қошиқ йўниш билан машғул эди», дейишидан жасоратли ва ҳақ сўзни айтишдан чўчимайдиган ижодкор бўлганлигини англаш мумкин.

«Мажолис ун-нафоис»нинг «Олтинчи мажлис»ида Самарканд, Хоразм, Қарши, Бадахшон, Ҳисор, Қазвин, Сова, Кирмон, Ироқ, Кум, Лор, Язд, Шероз каби Хуросондан ташқарида жойлашган шаҳар ва вилоятлар соҳиби девон фозиллар ҳақида сўз юритилади. Ушбу мажлис бежиз Самарканд ҳокими Аҳмад Ҳожибек таърифи билан очилмаган. Чунки, у «Вафойи» таҳаллуси билан шеърлар битган, Ҳиротда ва Самаркандда адолатли ҳукм юритган, «сурати дилкаш, ахлоки ҳамида ва атвори писандида», жангчиликда кучли шижоат ҳамда ботирликка эга бўлиб, таъби бағоят хуб ва назмга кўп илтифотлидир.

Гирифти жони ман аз тан ба зулфи пуршикан, басти,

Кушоди парда аз рухсори хешу чашми ман басти.

Ўзбек тилидаги матн:

Танимдан жонимни олиб кўп занжирли сочинг билан боғладинг,

Юзингдан пардани очиб (у билан) кўзимни боғладинг³⁶.

Ушбу қўшмисрада *муболаганинг ақли ишонадиган ва ҳаётда юз берадиган*

тури – **таблиғ** (юздаги парда билан кўзни боғлаш) ҳамда *ақлга сизмайдиган ва ҳаётда сира учрамайдиган* тури – **ғулуъ** (тандан жонни олиб, занжирли соч билан боғлаш) санъатларининг қўлланилганлиги Аҳмад Ҳожибекнинг юксак шоирона маҳоратга эга бўлганлигидан далолат беради.

Содикийнинг туркий тазкиранависликка киритган янгилиги шундаки, у «Мажмаъ ул-хавос»нинг «Олтинчи мажмаъ»сини «Пайғамбар наслидан бўлган шоирлар ҳақида» дея номлаб, унда Нишопур, Кум, Язд, Ҳамадон, Сабзавор, Тафриш, Заввора, Табриз, Ўрдубод, Саркон, Астробод, Лахижан, Симнон, Артимон, Кошон, Ироқ, Кирмонда истикомат қилган набий авлодига мансуб қаламкашларнинг шоирлик истеъдоди ва бадиий маҳорати хусусидаги ноёб таърифларни келтирган.

«Мажолис ун-нафоис»нинг «Еттинчи мажлис»и Амир Темур ва темурий ижодкорлар зикрига бағишланган бўлиб, унда Соҳибкирондан бошлаб Султон Али Мирзогача жами 22 нафар темурий шоир ҳақида сўз боради.

Ушбу мажлисда Навоий Амир Темур шахсияти ва фаолиятига юксак баҳо бериб, уни «мулук шажарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳокони жаҳонгири соҳибкирон», дея улуғлайди. Мажлисни шоир Темур номи билан очар экан, сўзни жойи келганда назм ва насрдан бирор нарса ўкиб, адабиёт соҳасидан бохабар эканлигини намойиш эта билганлигидан бошлайди: *«Темур Кўрагон – агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқугони минг яхши байт айтқонча бор»*³⁷.

Содикий «Мажмаъ ул-хавос»ининг «Еттинчи мажмаъ»си туркий, форсий ва арабий тилларда сўз айтмоқ кудратига эга бўлиб, Арабу Ажам мамлакатларида шуҳрат топган шоирларга

³⁶ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 286-бет.

³⁷ Шу асар, 155-бет.



бағишланганлиги билан ажралиб туради. Мазкур мажмаъ Мавлоно Фузулий хақидаги таъриф билан бошланиб, «Махмуд ва Аёз» маснавийсини ёзган Ёлқулибек Шомли(Анисий), соҳиби девон Қосимбек Ҳолатий, Мавлоно Шоний, Пирқулибек, «Юсуф ва Зулайхо» достонига татаббуъ боғлаган Махмудбек Салим, «малик уш-шуаро» Нижоти Румий, мусика илмига доир рисола битган Дуррабек Каромий, туркона шеър айтган Маволий Туркман, Тайҳойибек сингари ижодкорлар зикри орқали давом эттирилади.

Алишер Навоий қаламига мансуб «Мажолис ун-нафоис» асарининг «Саккизинчи мажлиси»да «фасоҳат илмининг нукта бирла сеҳрсози ва балоғат жаҳонининг диққат била мўъжиза пардози» – Султон ус-салотин Абдулғози Султон Ҳусайн Баходирхон девонидаги араб алифбоси ҳарфлари билан яқунланадиган кофия ҳамда радифга эга ғазалларнинг матлаъ байтлари вазн, мазмун ва шеърий санъатлар нуктаи назаридан таҳлил қилинганлиги Навоийнинг адабий танкиддан унумли фойдалана олган илми дарё олим бўлганлигидан ҳам далолат беради.

Навоий Ҳусайн Бойқаронинг мурувватлилиги ва баходирлигини Рустамга, ҳам шоирликда, ҳам саховатда Ҳотамга ўхшатади. Шоир болаликдан яқин дўсти ва сирдоши бўлган зотга нисбатан юксак эҳтироми, самимий тилақларини туркона назм воситасида қуйидагича ифода этган:

«Ким, мулки давоми то қиёмат бўлсун,

Зотиға бу мулк узра иқомат бўлсун,

Адл ичра тарийқи истиқомат бўлсун,

Олам аҳли учун саломат бўлсун»³⁸.

«Мажмаъ ул-хавос»нинг якуний мажмаъси Навоий тазкирасининг сўнгги мажлисидан тубдан фарқ қилади. Навоий

«Саккизинчи мажлиси»ни Ҳусайн Бойқаро таърифи ва шеърятини таҳлилига бағишлаган бўлса, Содиқий «Саккизинчи мажмаъ»да Ажамнинг ўша даврдаги Хўжа Ҳофиз Шерозий услубида девон битган Мавлоно Замири Исфохоний, 16 жилд асар ёзган Машҳадий, «Шоирлар тазкираси» муаллифи Мавлоно Тўвфий, етти тилда қасида ёзган шоир Ҳофиз Сабуний, ўзбек хони Абдуллахоннинг китобдори Мавлоно Мушфикий, Шайх Муслихиддин Саъдийнинг «Бўстон» асарига татаббуъ боғлаган Мавлоно Жалол Сипехрий, Камолиддин Бехзоднинг шогирди Хўжа Абдулазиз Наккош, ҳофизини Қуръон Мавлоно Фарокий каби 223 нафар фасоҳат ва балоғат соҳибларини зикр этган.

Жумладан, «Саккизинчи мажмаъ»да Содиқий хуросонлик шоир Айюб ибн Абулбарака хақида қуйидаги фикрларни баён этган:

«Əyyub – Xorasanlıdır. Əbülbərəkə oğludur. Əmiri-Kəbir Əmir Əlişir öz «Məcalis üin-Nəvais» kitabında onun haqqında yazır ki, «o qədər zətı qırıq və sarsaq idi ki, Xorasan əhli onun əlindən qaçıb çöllərə düşdülər». Bu bəyti onun haqqında deyiblər:

Şeir:

Dive-şeytansefət Əbülbərəkə,

Bad cəyət be həftomın dərəkə.

Lakin oğlu öz əksi olaraq məclis yaraşığı və şuxtəbiət bir adam idi. Ustadımız mərhum Mir Sün'i (№ 80) ilə çox yaxın idilər.»³⁹

Ўзбек тилидаги матн:

«Айюб – хуросонликдир. Абулбараканинг ўғлидир. Амири кабир амир Алишер ўз «Мажолис ун-нафоис» китобида у хақида ёзаркан, «шу қадар зоти паст ва аҳмоқ эдики, Хуросон аҳли унинг дастидан қочиб чўлларга кетдилар», деган. Ушбу байтни у хақида айтганлар:

Шеър:

Девини шайтонсифат Абулбарака,

Бод жоят ба ҳафтумин дарака.

Ўзбек тилидаги матн:

³⁸ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Ўнгинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. 166-бет.

³⁹ Sadiq Boy Əfşar. «Məcməül-Nəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Ökrəm Bağirov. – Bakı: Elm, 2008. s.351-352.



Шайтонсифат дев Абулбараканинг
жойи еттинчи дўзах бўлсин!⁴⁰

Лекин ўғли унинг тескариси
сифатида мажлисга тароват бағишловчи ва
шўх табиатли киши эди. Марҳум устозим
Мир Сунъий билан жуда яхши эдилар.

Содикий «Мажмаъ ул-хавос»нинг
«Саккизинчи мажмаъ»сидаги 369-шоир
Айюб ҳақида гапирганда, бу ижодкорнинг
отаси Абулбарака хусусидаги маълумот
Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-
нафоис» тазкирасида ҳам
келтирилганлигини қайд этган.
Дарҳақиқат, «Мажолис ун-нафоис»ни
кўздан кечирганимизда, асарнинг
«Олтинчи мажлис»ида Абулбарака исми
мавжудлиги кузатилди. У ҳақда нозик дид
эгалари томонидан айtilган «Деви шайтон
сифат Абулбарака, Бод жояш ба ҳафтуми
даргга»⁴¹ байти ҳам Навоий томонидан
келтирилган. Абулбарака ҳақидаги
таърифнинг «Мажолис ун-нафоис» ва
«Мажмаъ ул-хавос» асарларида учраши
ҳақидаги фактга таяниб, Абулбаракани
мазкур тазкираларнинг ҳар иккисида зикр
этилган муштарак шахс сифатида эътироф
этишимиз мумкин.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-
нафоис» тазкираси ва ундан адабий
таъсирланган ҳолда озарбайжон шоири
Содикий томонидан битилган «Мажмаъ
ул-хавос» асарининг ғоявий-бадий,
шунингдек, асар тузилиши жиҳатдан
килинган муқоясасидан хулоса қиладиган
бўлсак, «Мажолис ун-нафоис» кириш, 8
мажлис ва хилватдан иборат бўлиб, унда
Шарк адабиётшунослигидаги
тазкирачилик ҳамда бирор-бир шоир
шеърларига шарҳ ёзиш (жумладан, 8-
мажлисда Ҳусайн Бойқаро шеърятига
ёзилган шарҳ) анъаналари мавжуд.
«Мажмаъ ул-хавос» эса, муқаддима, 8
мажмаъ ва хотимадан ташкил топган
бўлиб, унда фақат тазкирачилик анъанаси
учрайди.

«Мажолис ун-нафоис» билан
«Мажмаъ ул-хавос»даги мажлис ва
мажмаъларда тасвирланган шоирлар
таснифи жойлашиш тартиби жиҳатдан
бир-биридан фаркланади. Навоий давр
подшоҳи Ҳусайн Бойқаро учун
«Саккизинчи мажлис»ни бағишлаган
бўлса, Содикий «Биринчи мажмаъ»да ўша
асрдаги туркий мамлакатларнинг энг
машҳур шоҳлари таърифни келтирган.
Навоийда «Еттинчи мажлис»дан ўрин
олган султон ва шаҳзода ижодкорлар
Содикийда «Биринчи мажмаъда,
«Бешинчи мажлис»да тасвирланган
мирзозодалар Содикбекда «Иккинчи
мажмаъ»да берилган.

Олим шоирлар «Мажолис ун-
нафоис»да «Тўртинчи мажлис»да,
«Мажмаъ ул-хавос»да эса, учинчи,
тўртинчи ва бешинчи мажмаълардадир.
Навоийнинг «Олтинчи мажлис»ида
Хуросондан ташқарида яшаган шоирларга
муқобил тарзда Содикий «Еттинчи
мажмаъ»да Араб ва Ажам
мамлакатларидаги ижодкорларни
жойлаштирган. «Мажолис ун-нафоис»да
биринчи, иккинчи ва учинчи
мажлисларда ҳаётлари нақл қилинган
аввал вафот этган, ўша даврдаги ҳамда
ҳали ёш шоирлар «Мажмаъ ул-хавос»да
«Саккизинчи мажмаъ»да тасвир этилган.

«Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг
«Хилват» қисмида Ҳусайн Бойқаронинг
нозик шеършунослигидан далолат берувчи
2 ҳаётий хикоят ва Навоий қаламига
мансуб 2 якуний рубоий келтирилган
бўлса, «Мажмаъ ул-хавос»нинг «Хотима»
қисмида муаллиф томонидан битилган 19
байтли шеър, 22 байтли қасида,
«Аббоснома»дан 20 байт парча,
Жаҳонбони Сафий Мирзонинг 2 байтли
таърихи ва китобнинг хатми ҳақидаги
китъа ўрин олган.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-
нафоис» тазкирасидан адабий
таъсирланган ҳолда Содикбек Афшор
Содикий томонидан ёзилган «Мажмаъ ул-
хавос» асари озарбайжон тилида ёзилган
юксак санъат намунаси бўлиб, XVI-XVII

⁴⁰ Таржима бизники – Т.Султонов.

⁴¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами.
Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. –
Тошкент: Фан, 1997. 144-бет.



асрлар туркий халклар мумтоз адабиётини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – 300 б.
2. Алишер Навоий: комусий луғат. Иккинчи жилд. Т-Х. – Тошкент: «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2016. – 500 бет.
3. Кабулова Раъно. Традиции «Маджалис ун-нафаис» Алишера Навои в тюркоязычной литературе (на материале антологии Садиббека Садики «Маджма ул-хавас»). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Ташкент, 1979.
4. Muradova Məntiqə. Sadiq bəy Sadiqinin həyat və yaradıcılığı. – Bakı: Elm, 1999. – 256 s.
5. Münevver Tekcan. Sadıkî Afşar'ın Mecma'ul-Havâs'ı: Çağatay Türkçesinde yazılmış Şairler Tezkiresi. // Turkish Studies International Periodical For the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic, Volume 8/13. – Ankara-Turkey, Fall 2013, p.169-178.
6. Sadiq Bəy Əfşar. «Məcməül-Xəvas» (tərcümə, müqayisəli mətn). Nəşrə hazırlayan: Əkrəm Bağırov. – Bakı: Elm, 2008. – 412 s.
7. Vüsəle Musalı. Azərbaycan təzkirələrinin təsnifatı: dili, strukturu, əhatə etdiyi coğrafiya və dövr. // Turkish Studies International Periodical For the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic, Volume 8/13. – Ankara-Turkey, Fall 2013, p.351-364.

Sultonov T. Alisher Navai's traditions in Azerbaijani poet Sadiki's works. The article provides the analysis of idea and artistic characteristics of tazkir by Azerbaijani poet Sodikbek Afshar Sodiki «Majma ul-khavos» on the life and works of 369 poets, inspired by Alisher Navoi's «Majolis un-nafois».

Султонов Т. Традиции Алишера Навои в творчестве азербайджанского поэта Садики. В статье проводится идейно-художественный анализ работы (тазкира) азербайджанского поэта Содикбек Афшора Садики «Мажма ул-хавос» о жизни и творчестве 369 поэтов, созданной под впечатлением от тазкира Алишера Навои «Мажолис ун-нафоис».
